Аловддинова Нилуфар Мансуровна,
Тошкент Кимё халқаро
университети докторанти

ИНТЕРДИЦИСПЛИНАР ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯЛАРИ

УЎК: 371.132
HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2024_ISSUE_12_2

АЛОВДДИНОВА Н.М. ИНТЕРДИСЦИПЛИНАР ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ САМАРАЛИ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Мақолада Технология фани дарсларида интердисциплинар ёндашув асосида ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг самарали стратегиялари ҳақида фикр юритилган бўлиб, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг натижалари ҳамда интердисциплинар ёндашувлар асосида ўқув стратегияларини амалиётда қўллашнинг самарали усуллари ҳақида маълумотлар ва тавсиялар берилган. Технология фанидан амалий машғулотларни ташкил этишда интердисциплинар ёндашувларни қўллаш орқали ўқувчиларда амалий кўникмалар шакллантириш, касб-ҳунар турларига қизиқиш уйғотиш ҳамда касб танлаш бўйича мотивациясини ошириш, жамоада самарали ҳамкорлик қобилиятларини рағбатлантириш, танқидий фикрларни ривожлантириш ҳақида ёритилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: самарали таълим, қобилият, касб-ҳунар, касб-ҳунарга йўналтириш, стратегия, интеграция, кўникма, жамоа бўлиб ишлашга йўналтирилган таълим, интердисциплинар ёндашув.

АЛОВДИНОВА Н.М. ЭФФЕКТИВНЫЕ СТРАТЕГИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ОРИЕНТАЦИИ УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОГО ПОДХОДА НА УРОКАХ ТЕХНОЛОГИИ

В статье рассматриваются эффективные стратегии профессиональной ориентации, основанные на междисциплинарном подходе, на уроках технологии, а также дано информации и рекомендации о результатах профессиональной ориентации и эффективных методах практического применения стратегий обучения, основанных на междисциплинарных подходах. Применяя междисциплинарные подходы к организации практических занятий по предмету технология, учащихся участвуют в формировании практических навыков, проявляют интерес к профессиональным видам деятельности и повышают свою мотивацию к выбору профессии, стимулируют навыки эффективного сотрудничества в команде, развивают критическое мышление.

Ключевые слова и понятия: эффективное обучение, способности, профессия, профессиональная ориентация, стратегия, интеграция, навыки, обучение ориентированное на командную работу, междисциплинарный подход.

ALOVDDINOVA N.M. EFFECTIVE STRATEGIES FOR CAREER GUIDANCE OF STUDENTS BASED ON AN INTERDISCIPLINARY APPROACH

This article discusses effective strategies for guiding students toward career choices using an interdisciplinary approach in Technology lessons. It provides insights into the results of career guidance for students and offers recommendations on the practical application of interdisciplinary approaches in educational strategies. The article emphasizes methods for developing students' practical skills, fostering interest in various professions, increasing motivation for career selection, promoting effective teamwork abilities, and enhancing critical thinking through the use of interdisciplinary approaches in organizing practical Technology lessons.

Key words and concepts: effective education, ability, profession, career guidance, strategy, integration, skills, teamwork-focused education, interdisciplinary approach.

Илмий ишнинг долзарблиги.

Ҳар бир шахснинг касбий шаклланиши комиллик сари қўйган қадамидир. Уларнинг ақлий қобилиятлари, имкониятлари, лаёқатлари интилишларига кўра бирор касб билан танишиши келажакда шу касбнинг етук мутахассиси бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Бугунги кунда республикамизнинг таълим соҳасида рўй бераётган туб ўзгаришлар ҳам жамиятнинг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг касб-ҳунар танлаши ва уларни касбга йўналтиришни амалга оширадиган умумий ўрта ва профессионал таълим муассасалари битирувчисига қўйиладиган талабларнинг ошишини белгилаб беради.

Шунинг учун ҳам ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, келгусида уларнинг бандлигини таъминлашни ривожлантириш, ўқувчиларнинг шахсий ва касбий фазилатларини, амалий кўникмаларини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиш орқали келажакдаги фаолияти учун дастлабки қадам мактабда асосан технология дарсларида шакллантирилади. Ташкил этилган машғулотлар давомида ўқувчиларнинг ақлий қобилиятлари, имкониятлари, лаёқатлари интилишлари асосида келажакда ўзлари қизиққан касб бўйича йўналтириб борилади. Ўқувчиларни касбни тўғри танлашлари жуда муҳим жараён бўлиб, уларнинг келажакдаги ҳаёти, шахсий ривожланиши ва профессионал фаолияти учун катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун умумтаълим мактабларида масъуллар билан ҳамкорликда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш ишлари тизимли тарзда ташкил этилиши керак. Бу жараёнда "Технология" фани машғулотларида ўқитувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш бўйича турли ўқув стратегиялардан фойдаланишлар мақсадга мувофиқ.

Технология фани дарсларида турли ўқув стратегияларидан фойдаланиш ҳам ўқувчиларнинг билим олишида самарали усуллари ҳисобланади. Ўқув стратегияси назарий ва амалий машғулот мавзуларини янада самарали ўзлаштириш ёки амалий машғулотлар давомида маълум амалий кўникмаларни ўргатиш ва улардан фойдаланишнинг индивидуал усулидир. Дарс давомида ўқитувчининг ўқув стратегияларини тўғри танлаши, тўғри қўллаши барча ўрганувчилар учун муҳим бўлиб, дарсларда турли амалий машғулотлар давомида буюмлар тайёрлаш ва турли касб-ҳунар турлари ҳақида дастлабки маълумот ва тушунчаларга эга бўлиш билан бир қаторда мавзуга доир янада кўпроқ билимларни ўзлаштириб олишига ёрдам беради.

Стратегия ўзи нима? У ёшларнинг, жумладан, таълим олишнинг мақсадларини қандай таъминлайди? Танлаган мақсадларнинг натижалари нималарда намоён бўлади?

Стратегия – бу самарали режа асосида узоқ муддатли мақсадга эришиш учун мўлжалланган кенг қамровли йўл харитаси бўлиб, таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда самарали натижа ва муваффақиятни таъминлайди[1] (ўқитишда ёки таълимда).

Стратегия ўқувчиларни касб-ҳунарга натижавий йўналтириш, касбга доир амалий кўникмаларини шакллантириш билан бирга кўзланган мақсадларига эришиш йўлида

[1] Ғаниев Б. ФарДУ, Фуқаролик жамият кафедраси мудири, доцент, ф.ф.б.ф.д. (PhD) Модули бўйича ўқув – услубий мажмуа.

муҳимдир. Унга режалаштириш, таҳлил ва ижодий фикрлашнинг комбинацияси киради

XXII асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди. Стратегия деб, дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келган инқирозий вазиятларни прогнозлаштириш ва бартараф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни қамраб олади.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Стратегия ва тактика — стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ учта мустақил категориядир. Уларнинг фарқи шундан иборатки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган объектнинг маёғига айланади. Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, таълим тизимидаги стратегия ва тактикаларни белгилаш муҳим ҳисобланади. Жумладан, бугунги кунда ўқувчиларни касбларга йўллаш давлат эҳтиёжига айланганлиги бежиз эмас.

Дарсда мавзуга мос ёндашув, стратегия ва методлардан фойдаланиб ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жуда муҳимдир, чунки касб-ҳунар турлари ўқувчиларнинг келажакдаги касбий йўналишини аниқлашга ва амалий кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Шундай экан, бу жараёнлар ўқувчиларнинг технология фанига бўлган қизиқишини оширади ва уларни келгусидаги касб-ҳунар танлашга тайёрлайди.

Технология фани дарсларида ўқувчиларда инсон учун меҳнат қилиш биринчи зарурият, ижтимоий бурч эканлигига, ҳар қандай касбни эгаллаш учун мустаҳкам ва чуқур билимлар кераклигига ишонч ҳосил қилишдан иборат бўлади.

Ҳозирги кунда ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш ижтимоий ҳаётда керак бўладиган дастлабки амалий кўникмаларни шакллантириш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 20 январдаги йиғилишида ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари бўйича белгиланган вазифалари ҳамда 2024 йил 5 февралдаги "Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини хорижий тил ва замонавий касбларга ўқитиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-53-сонли Қарорларида ўқувчиларни касб-ҳунарга бўлган қизиқишини ошириш, ушбу жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш ҳамда меҳнат бозори талабларига мос малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мавзу бўйича илмий манбаларнинг қисқача таҳлили.

Республикамизда технология фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш масалалари соҳа олимлари М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, Ф.Б.Абуталиев, О.М.Набиев[1], Н.Р.Юсуфбеков, Х.З.Игамбердиев, Д.Т.Мухаммадиева, М.А.Исмаиловлар, Муранов Б.И., Шарипов Ш.С., Зокиров И.И., Тоҳиров Ў.О.[2] Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А.[3] томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакат олимларидан Елагиной Ю.С.; Оренбургс[4], А.Б. Орлов, Н.А. Орлова[5] ва бошқалар педагогларнинг касбий салоҳиятини ошириш ва интердисциплинар ёндашувлар асосида технология фанини ривожлантириш бўйича тадқиқот ишлари олиб боришган

Тадқиқотнинг мақсади. Интердисциплинар ёндашув асосида ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш методикаларини, самарали

[1] Набиев О.М. Касб-ҳунар коллежларида нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш фанини касбга йўналтириб ўқитиш..


[2] Шарипов Ш.С., Зокиров И.И., Тоҳиров Ў.О., ва б. Умумий ўрта таълимнинг касбга йўналтирилган мазмунини кластер технологиялари. Методик тавсиянома. – Т.: «Абу матбуот-консалт», 2012

[3] Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга ёллаш. - Т.: 2014.

[4] Интердисциплинарные аспекты переводческой деятельности: сборник материалов Всероссийской студенческой научно-практической конференции./ Под общей ред. Елагиной Ю.С.; Оренбургский гос. ун-т. – Электрон. дан. – Оренбург: ОГУ, 2022 – 250 с.

[5] Орлов А.Б., Орлова Н.А. Критическая Психология в Действии: социетальная перспектива. // Психология. Журнал Высшей школы экономики. 2013. Т. 10, № 1. С. 150–176

1-расм. Ҳудудларда ташкил этилган семинар ва маҳорат дарсларида ўқувчиларнинг билим олиш натижалари ва кўрсаткичлари.



стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқот объекти:

- умумий ўрта таълим мактабларида "Технология" фани дарсларида интердисциплинар ёндашувлар асосида дарсларни самарали ташкил этиш жараёнлари.

Тадқиқот предмети:

– умумтаълим мактабларида "Технология" фани дарслари орқали ўқувчилари касб-ҳунар танлашга бўлган қизиқишларини ҳосил қилишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот усуллари:

– технология фани дарсларида интердисциплинар ёндашувларни ўрганиш, дарсларда амалиётда қўллаб кўриш, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришдаги мақсадли натижаларини таҳлил қилиш, метод турларини шаклларини ривожлантириш, тадқиқот ва таҳлил усуллари.

Тадқиқот натижалари ва асосий мазмуни.

Интердисциплинар ёндашув илмий билишда оламнинг бир бутун манзарасини бериш учун зарур бўлган янгича билимларни шакллантиришга асосланган бўлиб, фан тараққиётида муҳим методологик аҳамиятга эга. Интердисциплинар ёндашув ривожи замонавий фанда шу вақтгача эришилган билимларни бирлаштириш, уларни бир бири билан боғлаш, муайян шаклга солиш, амалиётга татбиқ этиш, назорат қилиш кабилар билан белгиланади. Масалан, технология фанини бошқа фанлар билан боғлаган ҳолда, интеграциялашган кенг қамровли билимлар бериш тушунилади. Мисол учун, математика, физика, биология, тасвирий санъат каби фанларини технология фани билан боғлаб дарсларни ташкил этиш орқали ўқувчиларга кўпроқ билим ва маълумотларни етказиб бериш мумкин бўлади. Натижада ўқувчилар олган билим, малакаларини мустақил равишда амалиётда осонроқ қўллай оладилар, уларда амалий, назарий кўникмалари ривожланиш билан бирга шаклланиб боради. Бундан ташқари ўқувчи биргина амалий машғулот давомида тайёрланадиган буюмнинг технологик харитаси, материалнинг тури, сифати, техник хусусияти, ҳамда тайёр буюмнинг фойдаланиш соҳалари ҳақида билимларга эга бўлади (1-расм).

Мавзуни математика фани билан боғлаб ташкил этганда ўқувчилар ўлчов олиш, ўлчов турлари, геометрик шакллар, дизайн ва ҳисоб-китоблар орқали меъморчилик, дизайнер муҳандислик касбларига доир билимларни ўрганадилар. Мавзулар табиий фанлар билан боғлаб ташкил этилганда эса қишлоқ хўжалиги, экология, тиббиёт ёки фарма-

2-расм. Ўргатиладиган касб-ҳунарларнинг умумий ва технология фани бўйича сони.



цевтика соҳаларига хос бўлган билимларни ўрганадилар.

Интердисциплинар ёндашувлар алоҳида ўқув фанлари ёки фанларнинг элементлари ўртасидаги муносабатлар сифатида ифодаланиши мумкин. Ўзаро фанларни бир-бирига боғлаб ўрганиш жараёнида турли фанларда кўриб чиқилган бир хил тушунча ноаниқ таркиб билан тўлдирилади, чунки у турли жиҳатларни очиб беради, ўрганиш объектининг турли хусусиятларини таъкидлайди.

Бу борада таъриф берадиган бўлсак "Касб-ҳунарга йўналтириш – ўқувчиларга муайян касб-ҳунар ҳақида маълумот бериш орқали уларни шу касбга қизиқтириш, йўллаш жараёни"дир. Ёшларни касб-ҳунар танлашга тайёрлашда ҳар бир ўғил-қиз шахсидаги индивидуал хусусиятларни инобатга олиш, уларнинг туғма истеъдодлари, маълум бир **касб-ҳунарга нисбатан бўлган лаёқат, мойилликка** қараб касб-ҳунарга йўналтириш ёшлар орасида ишсизликнинг олдини олиш баробарида жамиятга фойдаси тегадиган мутахассислар сони кўпайишида муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, танлаб олинган **65 та касб-ҳунарлардан 35 таси яъни, 54% айнан "Технология" фани** (2-расм) **дарслари мазмуни**да ўқувчиларга ўргатилади.

Бугунги кунда мактаб таълимида янгича ёндашувлар кўзга ташланмоқда. Халқаро илғор тажрибалар ўрганилиб, ёшларимизнинг келажаги учун энг самарали деб топилганлари амалиётга жорий этилмоқда. Ўғил-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш ва қизиқтиришда замонавий усуллардан фойдаланилмоқда.

Технология фани дарсларида интердисциплинар ёндашув асосида ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг самарали стратегияларини ишлаб чиқишда интердисциплинар ёндашув турлари муҳим ўрин тутади (1-шакл).

1. Мультидисциплинар – турли фан ёки йўналишлар бир муаммони биргаликда ҳал қилади, аммо уларнинг методологиялари ва назариялари ўзаро аралашмайди. Ҳар бир фан мустақил равишда ишлайди. Масалан, мисол ва масалага оид ечимларни аниқлашда математика, геометрия ва физика дарсларидаги ўзаро ҳамкорлик.

2. Кроссдисциплинар – бир фан доирасида бошқа фанлардан ғоялар ёки методларни қўллаш. Бу ҳолда асосий эътибор бир фанга қаратилган бўлиб, бошқа фанлар унга ёрдамчи ролда бўлади. Масалан, технология фани дарсларида буюмлар ўлчамларини олишда математикадан фойдаланиш.

3. Трансдисциплинар – бу фанлар ўртасидаги чегаралар бутунлай йўқолади ва янги назариялар ёки ёндашувлар вужудга келади. Бу ҳолатда янги, мустақил билим майдони пайдо бўлади. Масалан, информатика ва ахборот технологиялари ва технология бирла-

3-расм. Касбий таълимнинг 10-чи ва 11-чи синфлардаги таркиби.



шувида SMART-технологиянинг соҳаси пайдо бўлиши.

4. Интрадисциплинар – бир фан доирасида турли ёндош соҳалар ёки йўналишлар орасидаги интеграция. Масалан, технология фанида турли бўлимлар (ёғочга ишлов бериш, металлга ишлов бериш, электротехника, робототехника кабилар)ни биргаликда тадқиқ қилиш.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг самарали стратегияларини ишлаб чиқишда интердисциплинар ёндашувнинг ҳар бир тури муаммони ҳал қилишда муайян шартларга қараб қўлланилади. Бу шартларни интердисциплинар ёндашув турларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқамиз.

1. Мултидисциплинар тури бўйича шартлар:

– муаммо бир неча фан доирасидаги билимларни талаб қилади, лекин улар ўзаро бирлаштирилмайди;

– ҳар бир фан ўзига хос ёндашув ва методлардан фойдаланади;

– ҳал қилинмоқчи бўлган масалага ҳар бир фан алоҳида ҳисса қўшади, аммо улар мустақил равишда ишлайди.

2. Кроссдисциплинар тури бўйича шартлар:

– муаммони ҳал қилиш учун бир фанга асосий эътибор қаратилади, бошқа фанлар эса ёрдамчи вазифасини бажаради;

– асосий фанни бойитиш ёки чуқурроқ таҳлил қилиш учун бошқа соҳалардан тушунчалар ва усуллар олинади.

3. Трансдисциплинар тури бўйича шартлар:

– муаммо турли фанлар чегарасидан ташқарида ёки жуда мураккаб ва қўшма ёндашувни талаб қилади;

– бу ёндашувда янги, фанлараро назариялар ёки методлар яратилади;

– жамоада турли соҳалар вакиллари муаммони чуқур тушуниб, янги ёндашувлар ва методларни биргаликда ишлаб чиқадилар.

4. Интрадисциплинар тури бўйича шартлар:

– муаммо бир фан доирасида турли соҳаларни интеграция қилишни талаб қилади;

– турли йўналишлар бир фан ичидаги муаммони ҳал қилишга қаратилган бўлиб, улар ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлади.

Умумий ёндашувлар:

- интердисциплинар ёндашув ва амалий машғулотлар: Турли соҳаларда интердисциплинар ёндашув қўлланадиган ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташ. Бу ўқувчиларга келажакда ўз касбларини аниқлаш ва танлашда ёрдам беради.
- Масъуллик ва жамоада ишлаш кўникмалари: Ўқувчиларни лойиҳаларда жамоавий ишлашга, турли соҳалар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилишга ўргатиш.

Турли фанлардан эгалланган билимларни бир жойга жамлаш келажак касблари учун муҳим ҳисобланади.

Бу ёндашувлар ўқувчиларга касб танлашда турли соҳаларни тушуниб, ўзларига мос йўналишни топишларига ёрдам беради.

Интердисциплинар ёндашув – бу турли фан ёки йўналишлар орасидаги чегараларни бузиб, уларни бирлаштириб, янги ва чуқурроқ билим олиш мақсадида қўлланиладиган ёндашувдир. Бу ёндашув, одатда, турли фан соҳаларидан ғоялар, усуллар ва тушунчаларни интеграция қилишни назарда тутади.

Интердисциплинар ёндашув мураккаб муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради, чунки у бир фаннинг чегаралари билан чекланмайди ва масалани кенгроқ нуқтаи назардан кўриш имконини беради.

Интердисциплинар методлар ёрдамида ўқувчиларни ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялаш вазифалари янги, сифатли даражага эришилади, реал ҳаётнинг мураккаб муаммоларини комплекс кўриш, ёндашиш ва ҳал қилиш учун замин яратилади.

Интердисциплинар ёндашувлар асосида дарсларни ташкил этилиши ўқувчи ва ўқувчини янада фаолликка ундайди ҳамда шахсий билим-кўникмаларини яхшироқ шакллантиришга хизмат қилади. Ўқитувчи дастлаб мавзуни фанлар билан боғлаб тушунтириш, ўргатиши учун изланади, мавзуга доир бир қанча манбаларни ўрганади, ўзи ҳам қўшимча билимларга эга бўлади, натижада ўқувчига ҳам мана шу кўникмаларини етказиб беришга ҳаракат қилади.

Тошкент шаҳар 84-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 6-^{б,в} синфларининг сервиз хизмати йўналиши бўйича "Жун ва ипак толали газламалар, уларнинг олиниши. Жун ва ипак толаларнинг хоссалари. 8-амалий машғулот. Жун ва ипак газламаларнинг хоссаларини аниқлаш" мавзусида маҳорат дарси ташкил этилди. Мавзу назарий ва амалий машғулот тарзида, табиий фанлар, кимё, физика, тасвирий санъат мусиқа маданияти фанларига боғлаган ҳолда қизиқарли савол-жавоблар ва ўйинлар билан ташкиллаштирилди.

– Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳар 5-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 7-^{б} синфида "Кимёвий толали газламалар ва уларнинг хусусиятлари. 7-амалий машғулот. Кимёвий толали газламалардан "Куз неъматлари" композициясини тайёрлаш", 8-^{а} синфда "Тўқиш санъати. Амалий машғулот: Болалар пончосини тўқиш технологияси", 9-^{а} синф ўқувчилари билан "Бурмали ёстиқчага кетадиган газламани аниқлаш, чизмасини чизиш ва тикиш технологияси" мавзулари бўйича маҳорат дарсларида амалий машғулотлар ўтказилди.

– 7-^{б} синф қизлари билан "Кимёвий толали газламалар ва уларнинг хусусиятлари. 7-амалий машғулот. Кимёвий толали газламалардан "Куз неъматлари" композициясини тайёрлаш" мавзусини табиий фанлар, кимё, физика, тасвирий санъат, математика фанларига ўзаро боғлаган ҳолда;

– 8-^{а} синф қизлари билан "Тўқиш санъати. Амалий машғулот: Болалар пончосини тўқиш технологияси" мавзусидаги маҳорат дарсида эса математика, тасвирий санъат, кимё фанларига боғлаган ҳолда қизиқарли амалий машғулот тарзида;


– 9-^{а} синф ўқувчи қизлари билан эса "Бурмали ёстиқчага кетадиган газламани аниқлаш, чизмасини чизиш ва тикиш технологияси" мавзусида интердисциплинар ёндашувлар асосида; математика, кимё фанларига боғлаган ҳолда қизиқарли амалий машғулот дарслари ташкил этилди.

Бўлиб ўтган маҳорат дарсларида Тошкент шаҳар 84-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 27 нафар 6-синф ўқувчилари, Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳар 5-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 47 нафар 7-, 8-, 9-синф ўқувчилари иштирок этишди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, умумтаълим мактабларида ўқувчиларга касб-ҳунар турлари ҳақида дастлабки тушунчаларни бериш, амалий ўргатиш ҳамда касб-ҳунар турларига йўналтиришда технология фани муҳим фан ҳисобланади. Шундай экан "Технология" фани дарсларда турли хил ёндашув ва методлардан фойдаланиш жуда яхши натижа беради.

Мана шундай ёндашувлардан бири интердисциплинар ёндашув бўлиб, у ўқувчиларнинг хоҳиш ва қизиқишларига эътибор қаратади. Бу эса ўқувчиларни мавзуга доир кенг қамровли билим ва амалий кўникмаларининг ривожланишига хизмат қилади.

4-расм. Фанлараро интердисциплинар ёндашув натижалари.



Интердисциплинар ёндашувлар ёрдамида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг асосий воситалари қуйидагилардан иборат:

- амалий машғулотлар давомида, реал ҳаётдаги касбий фаолият билан таништириб, ўқувчиларга касбий кўникмаларини шакллантириш, амалиётда қўллаш имкониятларини беради;
- амалий машғулотлар ва интердисциплинар ёндашувлар, касбий маҳоратни яхши шакллантириш учун самарали воситалар;
- амалий машғулот дарслари ва ҳунармандчилик тармоқлари билан ҳамкорликдаги лойиҳалар, ўқувчиларга қизиқарли иш муҳитини кўрсатади.

Хулоса ва тавсиялар.

Интердисциплинар ёндашув турларидан фойдаланиб ўқувчиларни касбга йўналтириш воситалари фанлараро билимларни ва кўникмаларни бирлаштиришга қаратилган. Бу воситалар ўқувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишига кўмаклашади, уларни замонавий касбларга тайёрлашда самарали восита ҳисобланади.

Масалан:

– интердисциплинар ёндашувдан фойдаланиб ўқувчиларни касбга йўналтиришдаги бугунги тенденциялар инновацион, кўп қиррали ва мураккаб касбларни танлашга қаратилган. Замонавий таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларни турли фанлар ва соҳалар ўртасидаги боғлиқликни тушуниб, уларга келажак касблари учун зарур бўлган кўникмаларни уйғун ҳолда ривожлантиришга йўналтиришдир.

– интердисциплинар ва амалий машғулотлар: Турли соҳаларда интердисциплинар ёндашув қўлланадиган ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташ. Бу ўқувчиларга келажакда ўз касбларини аниқлаш ва танлашда ёрдам беради.

– ўқувчилар салоҳияти ривожланади, теварак атрофни катта қизиқиш билан ўрганишга киришади, ҳодисалар унинг онгида мантиқий фикрий, сабабли ечимини қидириб топишга ундай бошлайди. Натижада, мулоқот қобилияти, таққослаш-қиёслаш, умумлаштириш ва хулоса қилиш қобилиятлари тараққий ета боради.

– интердисциплинар ёндашув – бу турли фан ёки йўналишлар орасидаги чегараларни бузиб, уларни бирлаштириб, янги ва чуқурроқ билим олиш мақсадида қўлланиладиган ёндашувдир. Бу ёндашув, одатда, турли фан соҳаларидан ғоялар, усуллар ва тушунчаларни интеграция қилишни назарда тутади.

– интердисциплинар ёндашув мураккаб муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради, чунки у бир фаннинг чегаралари билан чекланмайди ва масалани кенгроқ нуқтаи назардан кўриш имконини беради.

- амалий машғулотлар давомида, реал ҳаётдаги касбий фаолият билан таништириб, ўқувчиларга касбий кўникмаларини шакллантириш, амалиётда қўллаш имкониятларини беради;
- амалий машғулотлар ва интердисциплинар ёндашувлар, касбий тажриба тўплаш учун самарали воситалар;
- амалий машғулот дарслари ва ҳунармандчилик тармоқлари билан ҳамкорликдаги лойиҳалар, ўқувчиларга реал иш муҳитини кўрсатади.

Демак, технология фани дарсларни интеграцион шаклда ташкил этиш нафақат дарснинг мароқли ва сермазмун ўтишини, балки ўқувчилар дунёқарашининг ҳар томонлама ривожланишини кафолатлайди. Фанлараро боғлиқлик, фанлараро фалсафий масалаларни шахсан ҳис етмай туриб, ўқувчига интеграцион машғулотни тақдим этмаслик тўғри бўлади, зеро, англанмаган интеграция ўқувчи онгидаги билиш жараёнини мавҳум ҳолатга, у орқали чалкаш хулосаларга тақаб қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги ПҚ-53-сон қарори. - https://lex.uz/ru/docs/6787995

2. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. Методик қўлланма. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат университети, 2005.

3. Якибова Д.Ш. Бошланғич таълимда интеграция – интеллектуал тараққиёт омили сифатида. // «Замонавий таълим» илмий-амалий оммабоп журнали, 2016, 11. 73-78 бетлар.

4. Репина Л.П. Опыт междисциплинарного взаимодействия и задачи интеллектуальной истории / Л.П.Репина // Диалог со временем. Альманах интеллектуальной истории. Вып. 15. - М., 2005. - С. 5.

5. https://vk.com/doc427170097_637129682?hash=Y6EyXLrHnW9f1cKEzOtDh3TIYWzegmStKnqjK3gmdEX

6. Федорец Г.Ф. Проблема интеграции в теории и практике обучения (предпосылки, опыт). -Л.,1989. - 96 с.

7. Зверева И.Д., Максимова В.Н. Межпредметные связи в современной школе. - М.: Педагогика. - 1981.

8. Сичивица О.М. Методы и формы научного познания. - М.: "Высшая школа". – 1972.

9. Шарипов Ш.С., Зокиров И.И., Тоҳиров Ў.О., ва б. Умумий ўрта таълимнинг касбга йўналтирилган мазмунини кластер технологиялари. Методик тавсиянома. – Т.: «Абu матбuот-консалт», 2012.

10. Интердисциплинарные аспекты переводческой деятельности: сборник материалов Всероссийской студенческой научно-практической конференции./ Под общей ред. Елагиной Ю.С.; Оренбургский гос. ун-т. – Электрон. дан. – Оренбург: ОГУ, 2022 – 250 с.

11. Аловддинова Н.М. Интердисциплинар ёндашув асосида ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш механизмларини такомиллаштириш ("Технология" фани мисолида). // «Замонавий таълим» илмий-амалий оммабоп журнали, 2024 йил, 7-сон. 7-15 бетлар.

12. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Меҳнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга ёллаш. Т., 2014.